ISSN: 2582-4686 SJIF 2021-3.261, 2022-2.889, 2023-5.384, 2024-6.875 ResearchBib IF: 9.948 / 2024

THE MULTIDISCIPLINARY JOURNAL OF SCIENCE AND TECHNOLOGY

VOLUME-5, ISSUE-2

ҚЎҚОН ХОНЛИГИ ТАРИХИГА ОИД ЯНА БИР МАНБА

Қўқон давлат музей-қўриқхонаси филиал мудирлари
А. Турдалиев, Р. Зияев.

Аннотатция. Ушбу мақола 18 асрда Бухорода тўғилиб яшаб ўтган тарихчи, географ, сайёҳ Мир Абдулкарим Бухорий ва унинг Тарихий Надимий асарига бағишланган. Бу асарнинг 1876 йилда Парижда тошбосма усулда форс тилида чоп этилган нусхаси жами 111 саҳифадан иборат. Унда Қўқон хонлиги тарихига оид қисми 92-102 саҳифалардан ўрин олган. Асарнинг бошланишида Қўқон ҳақида қисқача маълумот берилиб воқеа ходисалар Норбўтахон давридан бошланган. Асарнинг якуний қисми Амир Умархонинг Москвага элчи юбориши ва элчини ўлдирирлиши тафсилотлари билан тугайди. Бу асардаги Қўқон хонлигининг Қашқар билан Шарқий Туркистон билан муносабатлари ҳамда Олимхоннинг хонлик даврига оид айрим маълумотлари муҳим бўлиб, уларнинг айримлари бошқа манбаларда учрамайди.
Калит сўзлар: *Хўқанд, Умархон, Тарихий Надимий, хонлик, Хитой, Қашғар, Олимхон, Муҳаммад Зуҳур девонбеги, Ражаб қарча, Қайтоқий, Саримсоқхўжа.*

ANOTHER SOURCE ON THE HISTORY OF THE KOKAND KHANATE

Abstract. This article is dedicated to Mir Abdulkarim Bukhari, a historian, geographer, traveler who was born and lived in Bukhara in the 18th century and his work, “Tarikhi Nadimi” (history by Nadimi). A copy of this work printed in Persian in Paris in 1876 consists of 111 pages. The part about the history of the Kokand khanate is on pages 92-102. At the beginning of the work, you can find brief information about Kokand, and the events start from the time of Norbutakhan. The final part of the work ends with the details of Amir Umarkhan's sending an ambassador to Moscow and the assassination of the ambassador. There are details about the relations of Kokand khanate with Kashkar and Eastern Turkestan and some information about the khanate period of Olimkhan is important which are not found in other sources.
Key words: *Khoqand, UmarKhan, Tarikhiy Nadimiy, khanate, China, Kashgar, Olimkhan, Muhammad Zuhur Devonbegi, Rajab Karcha, Kaitakiy, Sarimsokhoja.*

Маълумки Қўқон хонлиги тарихига оид бирламчи манбалар бугунги кунда 40 тадан ошиқдур. Булар орасида Акмал Хўқандийнинг “Амирнома”, Абдукарим Фазлийнинг “Умарнома” ҳамда Мирзо Қаландар Мушрифнинг “Шоҳномаи Нусратпаём” (Ғалабадан хабар берувчи шоҳкитоб) асарлари алоҳида аҳамиятга эга. Зеро бу тарихий асарларда хонликнинг вужудга келиш тарихи ва унга оид афсона ва фактлар биринчи марта баён қилинган кейинги давр муаллифлари ёзган асарларда юқоридаги муаллифларнинг ёзган асарлари тафсилотлар билан бойитилиб кенгайтириб баён қилинган. Айниқса 19 асрнинг бошларида хонликда бўлиб ўтган воқеа ходисалар мазкур муаллифларнинг асарларида илк марта тасвирланган. Бу асарларнинг яна бир аҳамиятли томони шундаки муаллифлар воқеа ходисаларни билвосита ва бевосита гувоҳ сифатида баён қилганлар. Шуниси ҳам борки Қўқон хонлиги тарихига оид бу қўлёзма манбаларда муаллифлар хонликнинг ичида яшаб ижод қилганлар лекин Қўқон хонлигидаги тарихий воқеаларни хонликни ташқарисида туриб ёритган муаллифларнинг асарлари бугунги кунгача алоҳида ўрганилган эмас. Мана шундай муҳим манбалардан бири бухоролик саййёҳ

ISSN: 2582-4686 SJIF 2021-3.261, 2022-2.889, 2023-5.384, 2024-6.875 ResearchBib IF: 9.948 / 2024

THE MULTIDISCIPLINARY JOURNAL OF SCIENCE AND TECHNOLOGY

VOLUME-5, ISSUE-2

ва тарихчи олим Мир Абдулкарим Бухорийнинг “Тарихи Надимий” асаридир. Унинг бу асари яқин-яқингача кенг ўрганилиб ҳатто нашр этилган бўлсада асарнинг Қўқон тарихига оид қисми алоҳида тадқиқ этилмаган. Қизиқ жойи шундаки Қўқон тарихи билан шуғулланувчи олимлар ва тадқиқотчилар Қўқон хонлигига оид манбаларни баён этганда бу асар хақида ҳеч нарса демайдилар. Ҳолбуки мазкур асарда Қўқон хонлигининг 1818 йилгача бўлган тарихи қисқа бўлсада муҳим фактларни ўз ичига қамраб олган. Мир Абдукарим Бухорийни ҳаёти ва ижодини ўрганган олимлар асарнинг Афғонистон Бухоро Хива тарихига оид қисмларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратганлар. Қўқон тарихига оид қисмини эса кенг ёритилмаган. Бизнинг ушбу мақоламиз шу бўшлиқни тўлдиришга ёрдам беради деб умид қиламиз. Аввало Мир Абдулкарим Бухорий ким эди?

Ҳозирги мавжуд манбаларга кўра Абдулкарим Бухорий Бухоро амирлигида яшаган тарихчи, географ, сайёҳ. 1804 йил амир Ҳайдар Россияга юборган элчилар сафида таъминотчи бўлиб Петербург, Москва ва Астрахон (Ҳожи Тархон) шаҳарларида бўлган. 1807 йил Туркияга юборилган элчилар сафида саркотиб бўлиб Истанбулга борган ва у ерда уйланиб, умрининг охирига қадар яшаб қолган. Бу асарнинг 1876 йилда Парижда тошбосма усулда форс тилида чоп этилган нусхаси жами 111 саҳифадан иборат. Унда Қўқон хонлиги тарихига оид қисми 92-102 саҳифалардан ўрин олган. Асарнинг бошланишида Қўқон ҳақида қисқача маълумот берилиб воқеа ходисалар Норбўтахон давридан бошланган. Асарнинг якуний қисми Амир Умархонинг Москвага элчи юбориши ва элчини ўлдирирлиши тафсилотлари билан тугайди. Бу асардаги Қўқон хонлигининг Қашқар билан Шарқий Туркистон билан муносабатлари ҳамда Олимхонинг хонлик даврига оид айрим маълумотлари муҳим бўлиб, уларнинг айримлари бошқа манбаларда учрамайди. Юқоридагиларни инобатга олиб биз Тарихи Надимий асарининг Қўқон хонлиги тарихига оид мазкур қисмини форс тилидан ўзбек тилига таржима қилиб китобхонларга тақдим этишни лозим деб топдик.

Мир Абдулкарим Бухорий

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим

Ҳўқанд мулкининг ҳукмдорлари силсилалари баёни

(“Тарихи Надимий” асаридан”)

Илгари Фарғона ўзбек бўлган дейшади. Ўратепадан у тараф Ҳўқанд ҳукмдорига тааллуқлидир. Ҳўқанд мамлакати Урганж мамлакатидан каттароқ бўлади. Чунончи, тасарруфдаги ҳудуднинг узунлиги йигирма кунлик йўлдир. Эни икки кунлик йўлдир. Чиройли шаҳарлари бор. Неъматлари фаровон ва мевалари жуда арзондир.

Мамлакатнинг бошланиши.

Ўратепадан у тарафи Самарқанд то Кеш Қашғаргача аввал Хўжанд, иккинчи Тошканд, учинчи- пойтахт Ҳўқанд, тўртинчи Андижон, бешинчи Наманган, олтинчи Марғилон, еттинчи Фарғона ва тахти Сайхун, саккизинчи Конибодом, тўққизинчи Шоҳрухийя. Шўғнон ва яна кўплаб қасабалар борки, уларнинг ҳар бири кўплаб ўзбек ва қозоқ қишлоқларни ўз ичига олади. Туркманлар йўқ. Ҳар вақт лозим бўлса олтмиш минг аскарни тайёр қилади. Қирғиз ва қозоқлар унга итоат қиладилар. Амир Шоҳмурод ҳаёт бўлиб Бухорода ҳоким бўлиб турган пайтларда Ҳўқандда Норбўтахон ўзбек ҳокими эди. Содда одам эди. Танга зарб қилдирмаган. Исмини хутбага қўшиб ўқиттирмаган эди. Узоқ муддат ҳукмронлик қилди. У вафот этгач ўрнига катта ўғли Олимбек хон бўлди. Олимхон укаси Рустамбекни онаси вафот этгандан сўнг

ISSN: 2582-4686 SJIF 2021-3.261, 2022-2.889, 2023-5.384, 2024-6.875 ResearchBib IF: 9.948 / 2024

THE MULTIDISCIPLINARY JOURNAL OF SCIENCE AND TECHNOLOGY

VOLUME-5, ISSUE-2

қатл эттирди. Умархон Олимхон қатл этилгандан сўнг Ҳўқандга ҳоким бўлди. Муқаддимаси кейин айтилади, вассалом.

Олимхон отаси вафот этгач жами аркони давлати билан биргаликда хуруж қилиб ҳоким бўлди. Ўз укаси Рустамбекни (давр вақтида унингдек ҳусну камол ва жавонмардликда тенгсиз йигит туғилмаган эди). Олимхон шаҳид қилди. Ўз қавмларидан бўлган ва бошқалар ичидан бўйсунмаганларни орадан кўтариб ташлади. Ўзини “Хон” деб атади. Ўз номига хутба ўқитиб, танга зарб эттирди. Илгари Ҳазрат Абу Бакр Сиддиқ авлодидан бўлган Юнусхўжа Тошканд ҳокими эди. Мир Саййид Олимхон Тошкандни қаҳр билан ишғол этти ва қозоқ тоифасини ўзига бўйсундирди. Бухоро билан ёвлашди. Муҳораба (жанг) биносини бунёд қилиб бир дафъа Ўратепа устида ғавғо бошлади. Олимхон енгилиб ортга қайтди. Иккинчи дафъа аскар тортиб Ўратепа устига борди. У Бухорога бўйсунмас эди. Ўратепа устида ғалаба қилиб уни забт этди. Уни қўриқлаётган аскарларнинг баъзилари қатл этилди, баъзилари асир тушдилар. Олимхон ҳақиқатан ҳам шижоатли ва баҳодир эди. Шайх ва суфийларга эътиқоди йўқ эди. Нақл қиладиларки, Ҳўқандда бир шайх бор эди. Муридларини тўплаб, кашфу карoматини даъвоси қилар эди. Бир куни Олимхон бир ҳовуз лабида ўтирган эди. Ҳовузнинг устига арқон боғланглар деб буйруқ берди. Ундан сўнг мазкур инсонни топиб келинглар деб буюрди. Шайх бир неча муридлари билан ҳозир бўлди. Келиб ўтирди.

“Эй шайх! Сиз қиёматда ўз муридларингизни Пулсиротдан ўтказар экансиз. Пулсиротни оти дўзахдир. Ҳозир сиз арқоннинг устидан ўтинг. Токи сизнинг карoматингизни кўрсак. Шайх оят, ҳадислардан ўқиб ваъз- насиҳат қилса ҳам қабул қилмади”. “Зудлик билан арқоннинг устидан юр!” деб буюрди. Мазкур шайх ҳовузга оёқ қўйган заҳоти ҳовузга йиқилди. Ҳар тарафдан калтак билан уриб шайхни ҳалок қилдилар.

Ҳар жойда ҳирқаю қалпоқ кийган дарвеш, қаландарни кўриб қолса ушлаб олиб сарбон қилиб қўярди.

Бундан саксон йил олдин Еттишаҳар Хитой чегарасига яқин бўлиб Қашғар, Ёрканд, Хўтан, Оқсув, Или, Дун ва бошқалардан иборат эди. Обод, ноз- неъматлари фаровон, мевалари кўп ва арзон. Чиройли бозорлари бор. Илгари бу шаҳарларнинг ҳокими Саййид Аъзам ал- Хасаний Хўжалардан бўлган, дейдилар. Амир Темур Кўрагон давридан то ҳозирги давргача улар ана шу хўжалар тоифасидир. Хитой азбаройи юришни даҳл қила бошлади. Хирожлар бўйича ораларида низо чиққунча бу ҳол давом этди. Чунончи, татарлар билан қримлар ўртасида низо келиб чиққач, кофирлар уларнинг мулкини эгаллаб олди. Ўш хўжаларидан бири пойтахт Мочинда туриб ҳоким олдига паноҳ истаб бориб ундан аскар сўради. Хитой хони не муддатлардан бери худди шу нарсани орзу қилиб юрарди. Охири сон- саноқсиз аскарни унга топширди. Қошғарда қолган хўжанинг номи Саримсоқхўжа эди. Офоқхўжа ўз аскарини муҳайё қилди. Бир неча йил кофирлар билан жанг қилди. Бир неча минг кофирларни дўзахга жўнатди. Хитой аскари худди яъжуж-маъжуж сингари кўп эди. Охири Саримсоқхўжа енгилиб Бадахшон тарафга бола-чақаси билан қочди. Офоқхўжа шаҳид бўлди. Ислом мулки кофирлар тасарруфига ўтди. Сўнгра Саримсоқхўжа ортидан бир чин Бадахшонга борди. Бадахшон ҳокими ундан пора олиб хўжани унинг қўлига топшириб шаҳид қилдилар. Икки фарзанди қочиб Бухорога келдилар. У вилоятлар (яъни шаҳар) Хитой тасарруфига ўтгач ҳукуматни улардан паноҳ сўраб борган хўжаларга бермадилар. Ҳукуматни хўжалар даврида девонбеги ва бузруклардан бўлиб, хўжалар олдидан қочиб Хитой аскарлари олдига бориб Саримсоқхўжанинг қочиб кетиши сабабчи бўлганларга берди. То ҳозиргача Еттишаҳар уларнинг авлодлари ҳоким бўладилар. Ҳар бир шаҳарда улар қози ва уламодурлар. Ҳар қандай

ISSN: 2582-4686 SJIF 2021-3.261, 2022-2.889, 2023-5.384, 2024-6.875 ResearchBib IF: 9.948 / 2024

THE MULTIDISCIPLINARY JOURNAL OF SCIENCE AND TECHNOLOGY

VOLUME-5, ISSUE-2

иш рўй берса шаръи-шариф бўйича ҳал қилардилар Ҳар бир шаҳар ташқарисида сарой бино қилганлар. Кофирлардан иборат беш юзга яқин аскар у ерда туради. Уларнинг каттаси Хитой хони томонидан тайинланади. Агар шаҳарда бирор воқеа юз берса аввал мусулмон ҳокимга маълум қилинади. Сўнгра мусулмон ҳоким бориб Хитой ҳукмдорига билдиради. Бухоро ва Ҳўқанддан борган савдогарларга Еттишаҳарда юришга изн берилган. Хитой шаҳарлари бундан мустасно. Бир неча йил мобайнида Ҳўқанд ҳукмдорининг элчиси Хитой мамлакатига боради. Бешта мамлакатнинг элчилари бормайди. Ҳўқанд элчисининг у ерда қолишига сабаб шуки, Хитой Еттишаҳарни забт этган пайтда Саримсоқхўжанинг фарзандлари Бухорога келдилар. Хитой подшоси Ҳўқанд ҳукмдорига ҳар йил хазинасидан ўлпон тўлаб турарди. Қачонки, Саримсоқхўжа авлодларидан бирор ким асир олинса ёки ёлғиз ўзини- Қашғар томонга келадиган бўлса, Ҳўқанд ҳукмдори бунга тўсқинлик қилиши керак. Ҳўқанд ҳокими бир неча марта Хитой подшосига шундай деб хабар берган:”Бухоро подшоси Саримсоқхўжа авлодларига беҳисоб аскар бериб ёрдам қилди. Мен уларнинг йўлини тўсиб, менинг мулким устидан Қашғар томон ўтиб кетишларига йўл қўймадим. Қанчадан- қанча одамларим нобуд бўлди, қанчадан- қанча олтинлар сарф бўлиб кетди”. Хитой хони бу сўзларни қабул қилиб, ўз хазинасидан Ҳўқанд хони хазиналарига юбориб турган. Ҳозир ҳам мазкур тўлов бериш барқарордир. Ҳар икки- уч йилда элчи бориб подшоҳни инъомини олиб келади. Дафъатан Олимхон даврига келиб бу тўловнинг келиши тўхтаб қолган. Олимхон уч йил Ҳўқанд ва Бухородан борадиган карвонларни тўхтатиб Қашғарга ўтказмай қўйган. То уч йилги тўлови олунмагунча сулҳ тузилмаган.

Олимхон кўплаб зулм ситам эшикларини очди. Бинобарин раъият ва аксарият одамлар паришон бўлдилар. Кўп бегуноҳ одамларни қатл эттирди. Халқ ўз қизларига эгалик қилолмас эди. Одамларнинг қизларини аямасдан инъом қилиб юборар эди. Мазлумларнинг оҳи Сурайёгача (энг баланд юлдуз) бориб етди. Худодан унинг ўлимини тилардилар. Шу даражага бориб етдики, қиш фаслида кўп лашкар билан Ҳўқанддан чиқиб Тошкентга борди. Ўз укаси Умарбекни лашкарбоши қилиб тайинлади. Ўз тоғаси билан бирга Қозоқни чоповул (қирғин) қилгани Дашти Қипчоққа юборди. Ўша қаттиқ совуқда Умарбек Қозоқ халқини чаповул қилди. (Қозоқларнинг) баъзилари омонлик сўрадилар. Умарбек раҳм қилди, чунки уларнинг гуноҳи йўқ эди. Умарбек Тошкентга қайтди. Олимхон шу ерда эди. Умарбек хон олдига келганда у аҳволни сўради. Умарбек деди: “Баъзиларини чаповул қилдик, баъзисига омонлик бердик. Бож ва байъат олдик”. Олимхон ғазабланиб Умарбекни кўп ноҳақ сўзлар билан айблаб таъна- дашномлар қилди. “Ҳозироқ қайтиб қозоқ тоифасини буткул қатл ва талон- тарож қил! Акс ҳолда ёнимга кела кўрма! Башарангни кўришни истамайман” деб буюрди. “Анави аҳмоқ, лаънати тоғанинг сўзларига амал қилма”. Умарбек ташқарига чиқди. Тошканд дарвозасини ташқарисидаги лашкар ўн минг кишига яқин эди. Олимхоннинг қаҳру- ғазаби, қиёфасини тоғаси ва сардорларга айтди. Ҳамма айтди: “Аввало шуки, отларимиз йўлга ярамайди. Иккинчидан шуки, ҳаво совуқ бўлган пайт. Қозоқ жамоаси ҳаммаси мусулмондурлар. Ҳозир уч кун йўл юриш беҳудадир. Ҳар қачон юрсак ҳам сувдан нишон кўрмаймиз. Ҳаммамиз ҳалок бўламиз”. Сўнгра Умархон деди: “Нима маслаҳат берасизлар?”. Тоғаси деди: ”Маслаҳат шуки, Умарбек хон бўлади. Биз у золимга итоат қилмаймиз”. Зудлик билан тоға соҳиби улус ва соҳиби давлат сифатида Умархоннинг қўлини ушлаб байъат қилди. Сўнгра барча аскарлар байъат қилдилар. Бу муқаддима хуфтон пайтида рўй берди. Иккинчидан барча аскарлар ва Умархон Ҳўқанд тарафга қараб йўл олдилар. Шаҳарга етиб келгач Умархонни ҳоким этиб тайинладилар. Барча ҳалойиқ бир бўлиб шодландилар. Тонг отгач Олимхон Умархон ва тоғаси

ISSN: 2582-4686 SJIF 2021-3.261, 2022-2.889, 2023-5.384, 2024-6.875 ResearchBib IF: 9.948 / 2024

THE MULTIDISCIPLINARY JOURNAL OF SCIENCE AND TECHNOLOGY

VOLUME-5, ISSUE-2

билан қарши исён кўтарганини ва аскарларнинг барчаси улар билан бирга эканлигидан хабардор бўлди. Бу ҳолдан паришон ва шикастаю ҳокисор бўлди. Тахминан уч юзта аскар қолган эди. Олимхон уларни чақириб, ваъдалар берди, инъом- эҳсонлар билан сийлади. Кўч кўрон ва ҳарами билан, қозоқ хотинидан туғилган ўғли Шоҳрух Мирзо билан бирга Ҳўқанд сари равона бўлди. Бир манзил йўл юргач бир қалъага етиб келдилар. Қалъа аҳли эшикни очмадилар ва йўл бермадилар.

“Бизнинг ҳокимимиз Умархондур” деб изҳор қилдилар. Ноилож қалъа яқинида тўхтадилар. Ўша тунда уч юз аскар ҳам Ҳўқанд томонга қочиб кетдилар. Бир неча чекланган аскар қолди холос. Охири Олимхон юраги қон бўлиб йиғлаб ўғли Шоҳрух Мирзони чақирди. Унинг юзидан ўпиб унга минг тилло танга бериб деди: “Эй отасининг жони! Давлат биздан юз ўгирди. Албатта, ихтиёримда бўлган бир неча мулозим билан истиҳола қилмай ва имилламай ўзингни Бухорога- амири Ҳайдарнинг ёнига етказ. Чунки унинг муруввати бор. Ҳарчанд дўст бўлмаса ҳам доно одамдир. Бошқа жойга борма, чунки ишонч йўқ”. Сўнгра ота ва ўғил йиғлаб, бир- бирлари билан видолашдилар. Шоҳрух Мирзо Бухоро тарафга кетди. Лек Олимхон ўз ҳарамини қишлоқда қолдирди ва ўзи отга миниб Муҳаммад Зуҳур девонбеги билан тоғу даралардан чиққанларида Ҳўқанд шаҳри намоён бўлди. Шаҳардан чиққан суворийлар ҳар тарафда айланиб юрганини кўрдилар. Муҳаммад Зуҳур: “Ҳозир шаҳарга кириб боришимиз тўғри иш эмас. Биз Хўжанд тарафига боришимиз керак, у ерда тўрт минг аскарлар тайёр туради. Иншоаллоҳи таоло Хўжанд томонга боришимизни фаҳмлаган аскарлар ҳам биз томонга юз бурадилар”, деб арз қилди. Муҳаммад Зуҳур қанча ҳаракат қилмасин Олимхонга ажал домонгир бўлиб тургани туфайли Муҳаммад Зуҳурни бу саҳй- ҳаракатлари фойда бермади. Сўнгра Олимхон ўзига ҳамроҳ бир неча кишини ҳайдаб шаҳар томонга равона бўлди. Ҳамма ҳамроҳлари қочиб кетдилар. Муҳаммад Зуҳур ва уни одамларидан бошқа ҳеч ким қолмади. Олимхон отини жадал ҳайдаб шаҳар яқинидаги бир жойга етиб келди. Бу жой лой ва сув эди. Олимхонни оти лойга ботиб йиқилди. Суворийлар Олимхонни кўриб қолгач отларини чопдириб келдилар. Улардан бири хоннинг тоғаси эди. Муҳаммад Зуҳур узоқдан уларни кўргач, юзини хонга буриб: “Мен айтган эдимку шаҳарга кириб келиш тўғри иш эмас деб. Охири ўз оёғимиз билан қушхонага кириб келдик. Етиб келган суворийлар бизни ўлдириш учун келадилар”,- деди. Хоннинг оти буткул чўкиб йиқилди ва ожиз бўлди. Хон Муҳаммад Зуҳурга деди: “Ўз отигни менга бер”. Муҳаммад Зуҳур деди: “Эй хон, қанча насиҳат қилдим, қулоқ солмадинг. Энди жон бозоридир. Ўз жонимизни беҳудага бермаймиз”. Муҳаммад Зуҳур шу сўзни айтгач, отини чоптириб шаҳар томонга равона бўлди. Суворийлар Олимхон олдига етиб келдилар. Унинг оти лойда типирчилаб ётарди. Умархоннинг қулларидан бири етиб келиб хонга тўппончасини ўқтади. Олимхон деди: “Эй қул! Бошимнинг орқа тарафидан от”. Сўнгра елкасининг орқа томонидан тўппонча билан отди. Хон отини устидан йиқилди. Хон волидасининг укаси бўлган тоға етиб келди. Олимхон унинг афтига ҳам қарамади ва шу заҳоти жон берди. Кечқурун уни кўмдилар. Халқ унинг зулмидан қутилди. Муҳаммад Зуҳур ўзи шаҳарга етиб келиб, Умархоннинг олдига борди. Хонга Олимхонни ўлдирилганлиги хабарини етказди ва илтимос қилиб айтдики: “Мен акангни хизматчисиман. Унга хизматлар қилдим. Энди ҳозир сизнинг хизматкорингизман”. Умархон уни илгари эгаллаган амалига тайинлаб деди: “Шаҳардаги ва уйдаги ишларни поёнига етказ!”. Муҳаммад Зуҳур Олимхон даврида Тошканд ҳокими эди. Жуда давлатга хайрихох ва сахий одам эди. Ҳамма ундан рози эди. Уч кун ўтмасдан Муҳаммад Зуҳурни амалдан бўшатдилар. Азобу қийноқлар билан мол- дунёсини тортиб олдилар. Ҳамма нарсани бўлиб берди. Сўнгра Умархон раҳм қилиб ҳар хил жойда

ISSN: 2582-4686 SJIF 2021-3.261, 2022-2.889, 2023-5.384, 2024-6.875 ResearchBib IF: 9.948 / 2024

THE MULTIDISCIPLINARY JOURNAL OF SCIENCE AND TECHNOLOGY

VOLUME-5, ISSUE-2

дуогўйлик билан умр кечиришига буйруқ берди. У ҳам бажонидил миннатдорлик билан ўз уйида хотиржам ўтирди. Бир йилдан сўнг Умархон яна унга амал ва мансаб берди. Олимхондан икки ўғил қолган эди. Бири Шоҳрух Мирзо, бошқаси Умархондан кичикроқ. Умархон ҳар иккисини ҳам қатл эттирди. Олимхон авлодидан бир қиздан бўлак ҳеч ким қолмади. Олимхон, Умархон- ҳар иккиси бир онадан туғилганлар бир сингиллари бор эди. Уларнинг тоғаси ҳам лашкарбоши, қабила эгаси бадавлат ва шижоатли одам бўлган. Олимхоннинг шикаст еб, қатл этилишига сабаб ўша тоғаси бўлган. Олимхон мамлакатда унинг ихтиёри ва маслаҳатисиз бир иш қилмасди. Унинг ҳурматини жуда жойига қўярди. Аммо тоға кўрнамаклик қилиб оқибат унинг бошига етди. Олимхон 1226 санада вафот этди. Шоҳрух Мирзо ибн Олимхон отаси Тошканддан Хўжанд тарафига йўлга отланган пайтида йўлда отаси унга минг тилло бериб, унга: ”Албатта Бухорога бор, бошқа жойда тўхтама” деб тайинлаган эди. Шоҳрух Мирзо отаси билан хайрлашгач, қаерга боришни билмай ҳайрон бўлди. Баъзи яқинлари унга айтдиларки: “Отангнинг насиҳатига амал қил, Бухорога борамиз”. Баъзилари: “Хўжандга борамиз” десалар, баъзилари айтдики: “Тошканд ҳозир бўш, ҳеч ким йўқ. Мустаҳкам жой. Отангнинг иши нима бўлди ҳали номаълум. Бир йўл топиб Тошкандга борамиз. Ҳар қачонки отанг бўлса- айни муддао. Агар ундай бўлмаса, бирор иш юз берса келишилган аҳдга итоат қилаверасан. Ё бўлмаса, бирор бошқа тарафга борамиз. Биз шаҳарни ўзимиз тутиб турамиз”. Охир Шоҳрух Мирзо Тошканд сари йўл олди. Тошканд аҳли унинг пойқадамини иззат- икром билан кутиб олдилар. Эртаси куни Олимхонни қатл этилгани маълум бўлди.

Тошканд ҳокими Муҳаммад Зуҳур девонбегининг ноиби бузғунчилар иғвоси сабабли Шоҳрух Мирзони қўлга олиб, унинг ҳибсга олинганлиги ҳақидаги хабарни Хўқандга юборди. Умархон ўз тоғаси Муҳаммад Ризобекнинг иғвосига учиб ўша Юсуф каби навқирон йигитни қатл этилишига розилик берди. Шоҳрух Мирзони Тошканддан олиб чиқиб Хўқанд томонга борадиган йўлда даражаи шаҳодатга етказдилар. Ғаддор у гўдакни тирик қолдирмади.

Умархон хурсандлик билан хукумат тахтига ўтирди, мамлакат ишлари ва аскарлари бошқаришни барча жилови тоғанинг қўлида эди. Тоға найрангбоз фалакнинг найрангидан бехабар қолиб масту беҳуда умр кечирди. Нимани кўрган бўлса, ўшани кўрди. Вассалом.

Умархон ибн Норбўтахон Тошкандда ўз тоғаси Муҳаммад Ризобек билан бирга Олимхондан юз ўгириб аскарлар билан Хўқандга равона бўлади. Халқ хурсанд бўлдилар. Ҳаммалари итоат ва байъат қилдилар. Эртаси куни Олимхонни дафн этдилар. Сўнгра Умархон фуқаро ва раъиятни аҳволини суриштириш ҳаракатига тушди. Акаси уларга нима жароҳат етказган бўлса, унга малҳам қўйди. Олимхон халқдан қанча нарсани мажбуран тортиб олган бўлса, уларни ўз эгасига қайтарди. Акаси кўрсатган зулмни йўқ қилиб, мурувват ва адолатни одат қилди. Дарҳақиқат, унинг замонида Хўқанд беҳишт сингари бўлди. Ҳар тарафдан савдогарлар келиб тинмай фаровонликка сабаб бўлди. Бухоро дўстлик ва омонликдан дам ура бошлади. Бир қанча муддатдан кейин яна адоват пайдо бўлди. Қўлида сулҳ бор. Олимхоннинг мулозимларидан бўлган Муҳаммад Ражаб қарча барча қўшиннинг лашкарбоши эди. Озгина гуноҳидан ваҳимага тушиб Олимхондан қочиб Бухорога бориб шоҳ амир Ҳайдар олдида нажот топган эди. Олимхоннинг тириклик пайтида Бухорода қўним топган эди. Олимхонни вафотини хабарини эшитгач. Бир кечаси Шаҳрисабзга қочди Шаҳрисабздан чиқиб Хўқанд хони Амир Умархон олдига борди. Хон унга марҳамат кўрсатиб унга яна ўша лашкарбошилик лавозимини берди. Жуда баҳодир ва донишманд, тадбиркор одам эди. Аммо хоннинг тоғаси Муҳаммад Ризобек “Қайтоқий” номли қорақалпоқ улус ва дастанинг соҳиби бўлган мазкур

ISSN: 2582-4686 SJIF 2021-3.261, 2022-2.889, 2023-5.384, 2024-6.875 ResearchBib IF: 9.948 / 2024

THE MULTIDISCIPLINARY JOURNAL OF SCIENCE AND TECHNOLOGY

VOLUME-5, ISSUE-2

саркардалардан бири билан жуда улфат эди. Ражаб қарчага етиб, улар биргаликда маслаҳат қилиб, Умархонни ўртадан олиб ташлеймиз. Ҳукуматга тоға эга бўлади. Ражаб қарча ҳам қатл этилади. Муҳаммад Ризобек хон бўлади. Қайтоқий вазир лашкарбоши бўлади. Бу маслаҳатни бир жория (канизак) эшитиб қолади. Жория бир хилват жойда Умархонга айтиб беради. Гарчи бундан Умархон гумонсираб юрган бўлсада тасдиқ йўқ эди. Хоннинг сўзлари бугун ростдан тасдиқланди.Умархон жорияга: “Бу гапни ҳеч кимга айтма! Иншаоллоҳи таоло сени инъом-эҳсонлар билан сийлайман” деб буюрди. Жория ўшандан кейин яшириниб юрди ва бу гапни ҳеч кимга айтмади. Сўнгра Умархон аҳволининг муқаддимасини Ражаб қарчага айтди. Ражаб қарча айтдики: “Мен бир қанча муддатдан бери сезиб юрар эдим. Бу иккиси тадорукни қилиб юргандим. Сизни ҳам топиб айтмоқчи бўлиб юргандим. Худога шукур. Ўзингиз ҳам хабар топибсиз. Воқеа юз бермасдан илгари унинг чорасини топишимиз керак”. Сўнгра шундай маслаҳат қилинди: Муҳаммад Ризобекни ўзини хос меҳмонхонасига чақиртириб, йўлини топиб уни қамаб қўйилади. Кейин эса Қайтоқийни ҳам чақиртириб, ички ҳовлига кириши билан қилич билан пора- пора қилиб ташлайдилар. Шундан кейин Муҳаммад Ризобекни Қайтоқийнинг орқасидан жўнатиб юбордилар.

Юқоридаги маслаҳатга келишиб олгач эртаси куни хон бир кишини Муҳаммад Ризобекни олдига юборди. Муҳаммад Ризо ўйлаб- нетиб ўтирмай равона бўлди. Хос меҳмонхонага кириб келганда Умархон ўтирган эди. Тоғага ҳурмат кўрсатиб ўрнидан турди. Шундан сўнг хон: “Бу кун кабоб ейишни хохлаймиз”- деб буюрди. Мулозимлар “Тайёр” деб хабар бердилар. Хон “Келтиринг” деб буюрди. Кабобни келтирдилар. Хон Муҳаммад Ризобек билан бирга тановул қилдилар. Кейин хон қўл ювиш баҳонасида хонадан ташқарига чиқди. Шундан сўнг мулозимлар эшикни унинг юзига беркитдилар. Муҳаммад Ризобек ичкарида қолди. Ўша сонияда Қайтоқий девонхона эшик олдига етиб келиб, аҳволни кўрди. Қайтиб ўз уйига равона бўлди. Умархон юз аскарни зудлик билан унинг ортидан қувиб бориб ўлдириб келишни буюрди. Қайтоқий ўз уйига етиб боргани заҳоти азоб фаришталари қиличларини яланғочлаб етиб келдилар ва Қайтоқийни пора- пора қилиб ташладилар. Мол- мулки хазинага олинди. Муҳаммад Ризобек уч кун ҳибсда бўлди. Чунки Умархоннинг опаси “Тоғангизни ўлдирманг” деб илтимос қилган эди: “Ё кўзларини кўр қил, ёки юртидан бадарға қил ё бўлмаса мол-дунёсини тортиб ол.”

Умархон Ражаб қарча билан маслаҳатлашди. Ражаб қарча айтди: “Қатлдан бошқасига рози ва роғиб эмасман. Чунки тинчлик бўлмайди”. Сўнгра Муҳаммад Ризобекни ташқарига олиб чиқишни буюрди. Отхонага олиб бордилар. Бўйнига арқон боғлаб бўғдилар. Молу- давлати хазинага олинди.

Айтишларича, бир миллион нақд пул бўлган экан - йигирма минг тилло. Ражаб қарча Хўжандга ҳоким бўлди.

Умархон Москов қиролига элчи юборди. Элчи Московни ғарб томонидаги Қизил жар деган манзилга келди. Карвонларни Хўқанд мамлакатига киришига мутасаддилик қилди. Қачонки йўл иккига бўлинганда агар Хўқандга борганда йўл тўсиб қўйилса савдогарларнинг мол-мулкини хазинадан тўланади. Агар қачонки Масков томон борадиган йўл беркилиб қолса Қирол товон тўлайди. Умархон билан Масков қироли ўртасида шунга келишиб қарор қилинган эди. Иттифоқо жуда кўп карвонлар ҳаракатланганда Хўқанд элчиси Қизил Жарда ёлғиз ўзи йўлдан бораётганида бир ўрус солдати маст ҳолда унга ташланиб ўлдириб қўйган. Шундан кейин қидириб солдатни топишади ва Масков қонунларига мувофиқ уни жазолайдилар. Сургун қилиб юборганлар. Сўнгра элчининг нарсаларини Қирол берган

ISSN: 2582-4686 SJIF 2021-3.261, 2022-2.889, 2023-5.384, 2024-6.875 ResearchBib IF: 9.948 / 2024

THE MULTIDISCIPLINARY JOURNAL OF SCIENCE AND TECHNOLOGY

VOLUME-5, ISSUE-2

совғалар билан ўнта ўрусни Хўқандга жўнатганлар. Улар элчининг ўлдирилиши воқеасини ва уни ўлдирган солдат жазоланиб сургун қилинганлигини айтиб берганлар. Умархон дарғазаб бўлди ва ўнта ўрусни занжирбанд қилди ва Масков қиролига шундай мактуб ёзди: “Бизга ўша солдатни юбор. Биз уни ўз йўлимиз билан қатл қиламиз. Сизларнинг жазолаганларинг ва сургун қилганларингни мен қабул қилмайман. Ёки элчини хун баҳосини тўла”. Охири Масков минг тилла товон тўлади. Ҳозирги кунда 1333 санада Амир Умархон Ҳўқанд тахтида ҳукмдордир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мир Абдулкарим Бухорий. Тарихий Надимий. Форс тилида. Тошбосма. 1876 й.
2. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 1-том. Тошкент. 2000 й. Б. 20.
3. Абдукарим Бухорий ва унинг “Тарихи Надимий” асари. И.Даурбекова, Д.Ҳалимова, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази илмий ходимлари. www.bukhari.uz 2022 й.